БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 9 (1271)
11 ЯНВАРЬ
ЯКШАНБА
1959 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Кеча Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг XIII қурултойи ўз ишини тамомлади. Қурултой қатнашчилари якдиллик билан 1959 йилда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан колхозчилар, совхоз ва РТС ишчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг социалистик мажбуриятини қабул қилдилар.

Йил бошиданоқ корхоналарнинг бир меёрда ишлашига эришайлик

Совет халқи шонли галабалар йили — 1958 йилни социалистик экономикамизнинг барча соҳаларини мисли кўрилмаган даражада ривожлантириш билан якунлаб, янги — 1959 йилга — етти йилликнинг биринчи йилига зўр умиллар ва катта орзулар билан дадил қадам қўйди. Ўтган йили Коммунистик партия раҳбарлигида халқ хўжалигини, фан ва маданиятни тагин ҳам ривожлантириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар мамлакатимизни бутун прогрессив инсониятнинг порлоқ истиқболи ва энг олий мақсади — коммунистик жамият сари янада яқинлаштирди.

Севикли Ватанимизнинг барча халқлари каби областимиз меҳнаткашлари ҳам 1958 йилда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни юксалтиришда гоят катта ютуқларни қўлга киритдилар. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган областимиз саноат корхоналарининг меҳнатсевар коллективлари партия XXI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, йиллик давлат планини муддатидан илгари бажардилар ва йил охиригача пландан ташқари халқ хўжалиги учун бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Биргина Тошкент шаҳар саноати планга қўшимча равишда 280 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади.

1959 йил мамлакатимиз тарихидан алоҳида ўрин олади. Шу йилнинг 27 январида шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съезди очилади. 1959 йил — коммунистик жамият қурилишининг гоят катта программаси чизиб берилган, она-Ватанимизнинг яқин йиллардаги порлоқ истиқболлари ифодаланган етти йиллик планимизнинг биринчи йилидир. Совет кишилари Коммунистик партиянинг социалистик экономикани янада зўр бериб юксалтириш ва шу асосда мамлакат куч-қудратини тагин ҳам мустаҳкамлаш ва халқ моддий-маданий фаровонлигини тинмай яхшилаш соҳасида қилаётган ғамхўрлигига жавобан етти йиллик топшириқларини шараф билан бажариш мақсадида ишга янги куч, янги ғайрат билан киришдилар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳар сафардагидек бу ғал ҳам партия томонидан ўз олдиларига қўйилаётган гоят катта ва улкан вазифаларни ортиғи билан бажаришга тайёр турганликларини яна ва яна исбот этмоқдалар.

Областимиздаги бир қатор илғор корхоналар коллективлари КПСС XXI съезди шарафига ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Жумладан, Тошкент қоғоз фабрикаси ва Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг асосий цехларида янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ юқори кўрсаткичлар қўлга киритилаётир. Смена, бригада ва участкаларнинг график асосида ишлаши маҳсулот тайёрлашни бир текисда кўпайтира боришни таъминламоқда. Бунга цех ва участкаларни зарур хомашё ва материаллар билан етарли миқдорда таъминлаш, коллективга қулай иш шароити яратиб бериш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан тўғри фойдаланиш йўли билан эришилмоқда.

Ишлаб чиқаришни бир меёрда ташкил этиш — мавжуд ички резервлар ва имкониятлардан унумли фойдаланиш ва шу асосда давлат планларини муттасил ортиғи билан бажариш имконини беради. Лекин шунга қарамай, айрим хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай яхшилай боришда гоят катта аҳамиятга эга бўлган бу масалага ҳанузгача етарли эътибор бермаётирлар. Бир меёрда ишламаслик сабабли ўтган йили Тошкент Совнархозининг 23 корхонаси давлат планини бажармади. Шунинг оқибатида мамлакат белгиланганидан 13 миллион сўмлик тўқимачилик саноати ускуналари, 100 минг квадрат метрдан ортиқ дераза ойнаси, бир неча минг шарикоподшипник, 200 та кўприк крани ва бошқа зарур маҳсулотларни кам олди. Давлат планларини муттасил бажармай келаётган экскаватор, «Подёмник», «Таштекистильмаш» заводлари каби бир қатор корхоналарда ойнинг биринчи ўн кунлигида одатда ялпи хотиржамлик ҳукм суради. Шунинг оқибатида асбоб-ускуналар ва ишчилар бекор туриб қолади, цех ва участкалар тўла қувват билан ишламайди. Ой охирига — учинчи декадага бориб эса, бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун штурмчиликка ўтилади. Бундай пайтда маҳсулот сифатига эътибор берилмай, асосан сон орқасидан қувилади. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XIV съездида бундай камчиликларга қатъий хотима бериш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шуни унутмаслик керакки, штурмчилик — ускуналардан яхши фойдаланмасликка, маҳсулот сифатининг пасайиб, бракдан кўрилаётган зарарнинг кўпайиб кетишига олиб келади, бинобарин у, корхонага ҳам, давлатга ҳам катта зарар келтиради. Шу сабабли ҳам ишдаги ритмни бузадиган, штурмчиликни тугдирадиган ва оқибатда давлат планларининг бажарилмай қолишига олиб келадиган камчиликларни бутунлай тугатиш лозим.

Ишлаб чиқаришни график асосида ташкил этиш, машина ва ускуналарни ремонт қилиш сифатини яхшилаш, коллектив ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, рационализаторлик ва ихтирочиликни чинакамига оммавий ҳаракатга айлантириш — давлат планларининг ҳар қандай шароитда ҳам ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган муҳим омиллардандир. Шуни эсда тутиш керакки, саноатимиз олдига қўйилаётган ҳозирги юксак вазифалар ишлаб чиқаришдаги барча звеноларнинг доимо пухта ва аниқ ишлашини талаб этмоқда. Корхоналардаги барча цех ва участкаларнинг иши ўзаро узвий равишда бир-бирига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биророта цехда планнинг бажарилмай қолиши бутун корхона ишига салбий таъсир қилади. Хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари давлат планларининг ҳар бир участка ва ҳар бир цехда муттасил бажарилишини таъминлашлари лозим. Бунинг учун цех ва участкаларни доимо хомашё, ёрдамчи материаллар, зарур мосламалар ва инструментлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминлаб туришга алоҳида эътибор бериш керак.

Социалистик мусобақа илғорлари — коммунистик меҳнат бригадаларининг ташаббуси билан етти йиллик топшириқларини, шу жумладан 1959 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Кўпгина корхона коллективлари партиямиз съезди очилиш кунини — 27 январни ойлик топшириқни ошириб бажариш билан нишонлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Съездолди кунларида омманинг тобора ўсиб бораётган ижодий ташаббускорлигига бошчилик қилиш, мусобақа жараёнида вужудга келаётган янгиликларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, илғорлар тажрибасини бутун чоралар билан коллектив ўртасида кенг оммалаштириш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг жонажон ишидир.

Илғорлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай шароитда ҳам барча кўрсаткичлар бўйича давлат планларини ортиғи билан бажариш учун ҳар бир корхонада жуда катта резервлар бор. Вазифа — хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишдан, битмас-туганмас резервларимиздан давлат ва халқ манфаатлари йўлида унумли фойдаланишдан иборатдир. Шунга эришмоқ керакки, саноатимизда биророта ҳам қолоқ тармоқ, биророта ҳам қолоқ корхона бўлмасин.

Етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йил топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақа байроғини тагин ҳам баланд кўтарайлик, партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини шараф билан бажариш учун фидокорона меҳнат қилайлик!

ҚУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУВАҚҚАТ ПРЕЗИДЕНТИ МАНУЭЛЬ УРРУТИА ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

ГАВАНА,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ҳамма тан олган тинч-тотув яшаш принципларига ва халқаро ҳамкорлик манфаатларига амал қилиб, Куба республикаси муваққат ҳукуматини расмий таниганлигини шу билан маълум қилади.

Совет Иттифоқи халқлари Куба халқига чин кўнгилдан муваффақиятлар ва равнақ тилайдилар.

К. ВОРОШИЛОВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Москва, Кремль,
1959 йил, 10 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ XIII ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг 9 январда очилган XIII қурултойида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва республика қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасидаги вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. К. Камолов** доклад қилганлиги ҳақида илгари хабар берилган эди.

Докладдан кейин музокаралар бошланди. Қурултой қатнашчилари ўтган беш йиллик совет халқининг ҳаётида гоят самарали давр бўлганлигини якдиллик билан таъкидламоқдалар. Саноатни ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги олга қараб катта қадам босди. Булар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида яққол ва равшан намоён бўлди. Марказий Комитетнинг декабрь Пленуми қишлоқ меҳнаткашларининг эришган муваффақиятларини якунлаш ва шу билан бирга социалистик деҳқончиликни янада ривожлантириш планини белгилади.

Музокаларда сўзга чиққан ўртоқлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съезлида қиладиган доклади тезисларини қизғин маъқуллаб, пахтакорларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати гоят ўсганлиги тўғрисида, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг коммунистик қурилиш соҳасида партия томонидан белгиланган улуғвор программани амалга ошириш учун бутун кучларини сафарбар қилишга интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Андижон область ижроия комитетининг раиси **А. Ҳайдаров** минбарга чиқади. КПСС Марказий Комитетининг тарихий сентябрь Пленумидан кейин ўтган давр ичида, дейди ўртоқ Ҳайдаров, область меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ва биринчи галда пахтачиликни юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Орденли областнинг колхоз ва совхозлари ўтган йили давлатга 448 минг тонна пахта, ёки планда кўрсатилганидан 18 минг тонна кўпроқ пахта сотдилар. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 28 центнердан, ёки 1957 йилдагига нисбатан 4 центнердан кўпроқ пахта олинди. Пахтаобод, Ленин, Андижон, Олтинкўл ва Избоскан районларининг пахтакорлари жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Пахтакорларнинг 1954 йилда Тошкентда ўтказилган ва ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашган кенгаши ана шу муваффақиятларга эришишда жуда катта роль ўйнади. Областдаги колхозларнинг аъзолари, совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўртоқ Хрушчевнинг мулоҳазаларига амал қилиб, илғор агротехникани дадил жорий қилишга киришдилар. Ўтган йилнинг ўзидаёқ талайгина майдонга чигит квадрат-уялаб экилди ва икки томонлама парвариш қилинди.

Ўтган йилнинг кўкламида 250 дан кўпроқ трактор-далачилик бригадаси, икки колхоз ва бир совхоз ғўзани кетмонсиз парвариш қилишга киришди. Бу метод жуда яхши самара берди. Бунинг натижасида киши бошига пахта етиштиришни қарийб икки баравар кўпайтириш ва пахтани шу миқдорда арзонлаштириш имконияти туғилди. Ўртоқ Ҳайдаров сўзининг охирида область пахтакорлари олдида турган янги вазифалар ҳақида гапирди.

Сурхондарё область Сталин номли колхознинг раиси **Б. Омонов** ўзи раҳбарлик қилаётган колхознинг меҳнат соҳасида катта муваффақиятларга олиб келган йўллар ҳақида гапирди. Колхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 43 центнердан пахта олди. Бу эса илғор агротехникани тўғри қўлланиш, механизмлардан кенг фойдаланиш натижасидир.

Ўтган йили колхоздаги бир қанча бригадалар кетмонсиз ишладилар ва мўл ҳосил етиштирдилар. Кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш натижасида меҳнатни сарф қилиш бир йил ичида қарийб учдан бир баравар камайди. Колхозда ҳар центнер пахтани етиштириш учун кўп деганда тўрт меҳнат куни сарфланди.

Сталин номли колхознинг аъзолари бу йил мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам пойдевор вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, ҳамма майдонни шудгорлаб қўйдилар, нам тўплаш мақсадида ерларни суғормоқдалар, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқдалар, ирригация шохобчаларини тартибга солмоқдалар.

Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Б. А. Дадабоевга** сўз берилади. Ўртоқ Дадабоев тожик халқи номидан қурултой қатнашчиларига, улар орқали эса Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига алангали қардошлик саломи топширади.

Ўтган йили, деб таъкидлайди ўртоқ Дадабоев, мамлакатнинг ҳаётида жуда катта воқеалар бўлди. Тожикистон меҳнаткашлари Ватан олдидаги ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар, давлатга планда мўлжалланганидан кўпроқ пахта топширдилар. Тожикистон ССРдаги кўп хўжаликлар мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосил фидокорона меҳнат қилиш, илғор агротехникани ишлаб чиқаришга зўр қатъият билан жорий қилиш натижасида қўлга киритилди. Шу нарса қувончлики, уч хўжаликни мустасно қилганда, республикадаги барча колхоз ва совхозлар давлатга пахта сотиш планини бажардилар. Тожикистонда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 27 центнердан пахта олинди.

Ўртоқ Дадабоев мўл ҳосил етиштириш соҳасида бир неча йилдан буён мусобақадош Ўзбекистон ва Тожикистон пахтакорларининг ҳамкорлиги яхши натижалар берганлигини таъкидлайди. Ана шу ҳамкорлик совет пахтачилигини юксалтириш учун, колхоз тузумини гуллаб-яшнатиш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида катта роль ўйнайди ва халқлар ўртасидаги дўстлик воситаларини янада мустаҳкамлайди. Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, бутун тожик халқи мусобақани бу йил ҳам давом эттириш зарур деб ҳисоблайдилар ва Тожикистон ҳамда Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасида шартнома тузишни таклиф этдилар. Тожикистон пахтакорлари бу йил Ватанга пландан ташқари камида 50 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси **О. Маҳмудов** илғор агротехника усулларини кенг миқёсда қўлланиш зарур эканлиги ҳақида гапирди. Ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш ва узунасига ҳам кўндалангига парвариш қилиш Самарқанд областида ўтган йили кўп хўжаликларнинг ва бутун-бутун районларнинг мўл ҳосил етиштиришига имконият туғдирди.

Областдаги колхоз ва совхозлар ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосилини бир йил ичида ўрта ҳисобда беш центнерданга оширдилар. Давлатга 1957 йилдагидан 92 минг тонна кўпроқ пахта топширилди. Пастдаргом, Жиззах, Норпой, Каттақўрғон, Наримонов ва Метан районларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахтакорларнинг Москвада ўтказилган кенгашида олинган социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Хўжаликларнинг раҳбарлари меҳнатни камроқ сарф қилиш учун курашга эътибор бера бошладилар. Областда ўтган йили суғориладиган ерларнинг учдан бир қисми кетмонсиз ишланди. Тўрт юзга яқин бригада тузилди. Донгдор механизаторлар бу бригадаларга бошчилик қилдилар. Тажриба трактор-далачилик бригадаларида сарфланган меҳнат камайганлигини, ҳар бир киши ҳисобига тайёрланган пахта одатдаги далачилик бригадаларига нисбатан ортганлигини кўрсатди.

Область қишлоқ хўжалик ходимлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунларини муҳокама қилиб, колхоз ва совхозларнинг экономикасини янада юксалтириш йўлларини белгиладилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қарор бердилар ва бу йил давлатга камида 350 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар. Самарқанд область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз ваъдаларини шараф билан бажаражакларига шак-шубҳа йўқ.

Тошкент область Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **Т. Латипов** қуйидагиларни айтади:

— Кейинги беш йил ичида жамоат хўжалигимизнинг экономикасида рўй берган катта ўзгаришлар ҳақида сўзлашни истайман. Биз 1952 йилда ҳар центнер пахта етиштириш учун 12,5 меҳнат куни сарф қилган эдик, 1958 йилда эса атиги салкам беш меҳнат куни сарф қилдик. Илғор агротехника усулларидан кенг фойдаланиш ва кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш ўтган мавсумнинг бир ўзидагина ярим миллионга яқин меҳнат кунини тежаш имконини берди.

Бунинг натижасида колхознинг даромади бир йил ичида тўрт миллион сўм кўпайди. Устама мукофотларнинг бекор қилинишидан зарар кўрдикми? дейди ўртоқ Латипов. Зарар кўриш ўёқда турсин, балки манфаат кўрдик. Ана шу муҳим тадбир пахта ҳосилдорлигини ошириш учун, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун курашга отлантирган янги восита бўлди.

Ўртоқ Латипов бригадаларда хўжалик ҳисобини дадил жорий қилишни, далачилик бригадаларини мустаҳкамлашни тавсия этади.

Хоразм область ижроия комитетининг раиси **Д. Ёқубов** айтадики, Хоразм области яқин ўтмишда қолоқ деҳқончилик ўлкаси эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги бизнинг ўлкамизга янги ҳаёт бахш этди, узоқ жойдаги ана шу иқтисодий районнинг колхозчилари ва совхоз ишчиларининг деҳқончиликни илмий асосда уюштиришлари ва меҳнатни яхши ташкил қилишларига ёрдам берди. КПСС Марказий Комитетининг тарихий сентябрь Пленумидан кейин областимиз қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Кейинги беш йил ичида ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 18,6 центнердан 25 центнерга етганлигини, шу давр ичида пахта етиштириш 67 минг тонна кўпайганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Ўтган йили Хоразм областининг пахтакорлари учун айниқса қувончли йил бўлди. Улар Кремлда ўтказилган кенгашда олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Илғор агротехника усулларини кенг қўлланиш муваффақият қозонишга ёрдам берди. 66 минг гектар майдонда чигит квадрат-уялаб экилди ва икки томонлама парвариш қилинди.

Пахтачилик ва қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ўсиши натижасида колхозларнинг экономикаси мустаҳкамланди, қишлоқларда уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини кенгайтириб юбориш имконияти туғилди.

Колхозчилар, совхоз ишчилари Хоразм область пахтакорлари олдига бу йил қўйилган янги вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳозирги вақтда кўкламга тайёргарликни қизитиб юбордилар, ернинг мелиорация ҳолатини яхшиламоқдалар, ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш учун ажратиладиган майдонларни кенгайтириш чораларини кўрмоқдалар. Ўртоқ Ёқубов қурултой қатнашчиларини ишонтириб айтадики, Хоразм область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун бутун кучларини сафарбар қиладилар.

«Муштум» журналининг редактори шоир **Акмал Пўлат** сўз олади. У, Ўзбекистон пахтакорларини ўтган йилги муваффақиятлар билан табриклаб айтадики, совет пахтакорларининг ютуқлари ёзувчи ва шоирларни қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг маънавий ўсишини акс эттирадиган асарлар яратишга илҳомлантиради. Акмал Пўлат пахтакорларнинг олижаноб меҳнатига бағишланган янги шеърини ўқиб беради.

Қозоғистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари **К. Диёров** қозоқ халқи номидан Ўзбекистон меҳнаткашларига қизғин салом топширади. Нотиқ қишлоқ хўжалигини асосий ва тўғри йўлга солиб юборган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ленинчи Марказий Комитетининг доно иш қилганлигини таъкидлайди. Қозоғистон галлакорларининг қандай катта муваффақиятларга эришганлиги ҳаммага маълум. Улар асрлар бўйи қўл тегмаган қўриқ ерларнинг қиёфасини тарихан жуда қисқа вақт ичида тамомила ўзгартириб юбордилар. Республикада қишлоқ хўжалик экинлари майдони 9 миллион гектардан 28 миллион гектарга етди.

Бунинг натижасида Қозоғистонда беш йил ичида ялпи дон ҳосили 3,5 баравардан зиёд кўпайди. Бу эса мамлакат аҳолисини галла маҳсулоти билан таъминлашни яхшилаш, совет халқининг моддий фаровонлигини ошириш имкониятини берди.

Шу етти йилликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида Қозоғистоннинг салмоғи янада ортади. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва ҳосилдорликни ошириш базасида дон хўжалиги янада ривожлантирилади. Янги ерларни бундан кейин ҳам ўзлаштириш кўзда тутилади. Етти йил ичида 3,5 миллион гектарга яқин қўриқ ер ишга солиниб, экин экилади.

Қозоғистоннинг ягона пахтакор области — Жанубий Қозоғистон пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун Тошкент области билан мусобақалашмоқда. Бизда мўл пахта ҳосили етиштирган колхоз ва совхозлар оз эмас. Лекин умуман олганда Жанубий Қозоғистон области шу пайттача муттасил мўл ҳосил етиштириш даражасига эришгани йўқ. Масалан, ўтган йили ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 13 центнердан пахта олинди. Шу сабабли Қозоғистон пахтакорлари Ўзбекистон ССРдаги юқори ҳосил усталарининг тажрибасини ўрганишга, улар билан маҳкам алоқа боғлаб мусобақани кучайтиришга катта аҳамият бермоқдалар. Мусобақа якунларини эълон қилиш, ўзаро ёрдам бригадаларининг иш якунларини тўплаш, бу бригадаларнинг таклифларини ўз вақтида амалга ошириш катта муваффақиятлар қозонишимизга ёрдам беради.

Тошкент область, Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳ. Турсунқулов**нинг нутқи зўр эътибор билан тингланди.

Коммунистик партиянинг ташаббуси билан МТС техникасининг колхозлар ихтиёрига топширилганлиги, дейди ўртоқ Турсунқулов, машина ва механизмлардан тўлароқ фойдаланиш, тупроқни ишлаш ва экин экишда меҳнат ҳамда маблағларни камроқ сарф қилиш имконини берди. Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, бу техника барча хўжаликларда яхши сақланмоқда ва ундан тузук фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Бир қанча колхозларда машина ва механизмларни сақлаш учун керакли бинолар йўқ. Колхозларни запас қисмлар ва деталлар билан таъминлаш йўлга қўйилмаган. Техникадан тўғри фойдаланиш юзасидан колхоз механизаторлари учун қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. Бу масалаларнинг ҳаммасини мумкин қадар тезроқ ҳал этиш керак. Пахта териш машиналарига кенг йўл очиб бериш ва уларни бундан буён ҳам такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўртоқ Турсунқулов ўғитлардан фойдаланиш, ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, пахта далаларининг ҳосилдорлигини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтади. У, ҳозирги вақтда колхозларда механизатор кадрлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари кўп эканлигини ва деҳқончилик маданиятини юксалтириш учун барча имкониятлар бор эканлигини кўрсатади.

Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари **Г. Сулаймонов** айтадики, Озарбайжон халқи Совет Иттифоқи пахтакорларининг эришган муваффақиятлари билан, жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг муваффақиятлари билан фахрланмоқда. Уларнинг хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этаётганликлари халқ истеъмоли товарларининг кўп ишлаб чиқарилаётганлигини, совет кишиларининг фаровонлиги ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Мустаҳкам, чамбарчас дўстлик Озарбайжон халқи билан Ўзбекистон халқини маҳкам боғлайди. Бу дўстлик мўл ҳосил етиштириш учун, қишлоқ хўжалигини янада гуллаб-яшнатиш учун ўтказилаётган мусобақада йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Пахтакорларнинг 1954 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган ва ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашган кенгашида ишлаб чиқилган тадбирлар Озарбайжонда пахтачиликни ривожлантиришга ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган йили давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа кўп турларини етиштириш планларини ҳам ошириб бажардилар. Янги, 1959 йил арафасида хушхабар эшитдик: ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Озарбайжон халқини эришилган муваффақиятлар билан қутладилар. Озарбайжон меҳнаткашлари бунга жавобан Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига ваъда бериб, ўзимизнинг бутун кучимизни мамлакатимизда коммунизм қурилишига бағишлаймиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни 1959-1965 йиллар контроль рақамларида кўзда тутилган миқдорларда янада кўпайтиришга эришамиз, дедилар.

Биз, дейди ўртоқ Сулаймонов, бундан буён ҳам қардош Ўзбекистон республикаси пахтакорларининг юксак маҳоратидан намуна олиб, улар билан биргаликда мамлакатимизда пахтачиликни янада юксалтириш учун кураш олиб борамиз.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари XIII қурултойи делегатларидан бир группаси. Суратда: (чапдан) Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Назаров, Қашқадарё область Косон районидаги Ворошилов номли колхоз партия ташкилотининг секретари К. Шеров, Фарғона область Бувайда районидаги «XX партсъезд» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Султонова, Мирзачўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Усмонов, шу райондаги «Ленинизм» колхозининг раиси И. Тешабоев ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

А. И. Микоянниг АҚШда бўлиши

ДЕТРОЙТ, 9 январь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари 8 январь эрта билан Кливлендан Детройтга келдилар. Аэропортда А. И. Микоянни «Детройт Эдисон компани энд Ассошиэйтс» президенти Уолкер Сислер табриклади. У. Сислер яқинда Совет Иттифоқига борган вақтида ўзининг самимий кутиб олинганлиги учун А. И. Микоянга ташаккур изҳор қилди.

А. И. Микоян матбуот вакилларига берган баёнотида, совет кишилари Детройтни йирик саноат маркази сифатида, ишчилар ва савдо-саноат доираларининг ғайратли намояндалари шаҳри сифатида биладилар, деди. Мен Детройт аҳолисига самимий салом топширмоқчиман, деди А. И. Микоян. Менинг бир тилагим бор, у ҳам бўлса — халқимиз ўртасида ҳеч қачон уруш бўлмасин. Барча мамлакатларнинг халқлари тинч яшасин.

А. И. Микояннинг Детройтда ўтказган куни деярлик тамомила Америка автомобиль саноатининг бу марказидаги заводлар ва лабораториялар билан танишишга бағишланди. А. И. Микоян аэродромдан тўппа-тўғри «Форд» компаниясининг илмий-текшириш марказига келди. Бу ерда у тажриба цехлари ва лабораториялар билан муфассал танишди; янги материалларнинг синаб кўрилиши тўғрисида ходимлардан суриштирди, машина-ускуналарни ва аппаратларни кўздан кечирди.

А. И. Микоян илмий текшириш марказини кўздан кечирган вақтда баъзи лабораториялар автомобиль саноатига бевосита алоқаси бўлмаган соҳаларда иш олиб борилаётганликларига эътиборни жалб этди. У, жумладан, юракнинг ички босимини аниқлайдиган электрон прибор билан қизиқди. Бунинг устида лабораториялардан бири иш олиб бормоқда.

Шундан кейин А. И. Микоян Фордниг энг катта «Ривер Руж» заводидаги мотор ва йиғиш цехларини кўздан кечирди. Бу завод шу фирмага қарашли бўлган ва мамлакатнинг турли қисмларида жойлашган автомобиль йиғиш заводлари учун автомобиль қисмлари ва деталлари тайёрлаб бермоқда.

А. И. Микоян цехлардаги поток линияларини айланиб чиққанида ишчилар билан кўришади. Баъзи ишчилар конвейердан бир минутга ажралиб, А. И. Микоян олдига келадилар ва унинг қўлини қисиб кўришадилар, баъзилари эса ишларини тўхтатмаганлари ҳолда «Велком» («Хуш келибсиз!») дейдилар.

Мотор цехида бир группа ишчилар билан қисқача суҳбат бўлди. А. И. Микояннинг тинчликни сақлаш ишига уларнинг қандай қараганликлари тўғрисида берган саволига А. И. Микоян Кливленда бўлган вақтида «Линкольн электрик компани» заводи ишчиларидан эшитган жавобни қайтардилар. Улар: «Ишчилар урушга қаршидирлар» дедилар. А. И. Микоян заводни кўриб бўлгандан кейин мухбирларга: Яхши завод, ишчилари ҳам яхши. Мен уларга муваффақиятлар тилайман, деди.

Кундуз куни компаниянинг марказий маъмурий биносида кичик Генри Форд А. И. Микоян шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Қўшма Штатлар автомобиль саноатининг кўзга кўринган намояндалари, шунингдек Детройт савдо-саноат доираларининг вакиллари: «Женерал моторс» корпорацияси правлениесининг раиси Фредерик Доннер, «Форд» компанияси правлениесининг раиси Эрнест Брич, «Американ моторс корпорейшн» компаниясининг президенти Жорж Ромни, «Детройт Эдисон» компаниясининг президенти Сислер, Детройт миллий банкининг президенти Бодмен ва бошқалар ҳозир бўлдилар. А. И. Микоян Генри Форд билан хайрлашар экан, бундай деди: Сизнинг фирмангиз билан мамлакатимиз ўртасида хамиша яхши амалий муносабатлар мавжуд бўлиб келди. Бобонгизнинг традициялари давом этади, деб умид қилиш мумкин.

Зиёфатдан кейин А. И. Микоян йирик «Женерал моторс» корпорациясининг илмий техника марказини кўздан кечирди, бу ерда янги автомашиналарнинг моделлари устида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Сўнгра А. И. Микоян «Крайслер» деган бошқа бир йирик автомобиль корпорациясининг мотор заводини бориб кўрди.

Автомобиль заводларини ва илмий тадқиқот марказларини кўздан кечирган вақтда А. И. Микоянга 100 га яқин мухбирлар ва фоторепортёрлар ҳамиша ҳамроҳ бўлдилар. Улар орасида Америка марказий матбуотининг кўпгина вакиллари, шунингдек чет эл мухбирлари ҳам бор эди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССРнинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков ҳамда А. И. Микояннинг ҳамроҳлари кечқурун Детройтдаги савдо-саноат доираларининг клубида берилган зиёфатда ҳозир бўлдилар. 9 январда А. И. Микоян самолётда Чикагога учиб кетди.

Л. ВЕЛИЧАНСКИЙ,
В. ПАРАМОНОВ.

Хитой Халқ Республикаси ва АҚШ элчиларининг навбатдаги учрашуви

ВАРШАВА, 9 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Хитой Халқ Республикасининг Польшадаги элчиси Ван Бин-нань ва Америка Қўшма Штатларининг Польшадаги элчиси Жекоб Бим ўртасида навбатдаги учрашув ўтказилди. Учрашув 2 соат 30 минут давом этди.

Хитой Халқ Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари элчиларининг навбатдаги учрашуви 13 февралда, маҳаллий вақт билан соат 14 да ўтказилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

ПРАГА, 9 январь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Чехословакия ташқи савдо министрлиги вакиллари Чехословакия савдо делегацияларининг ўтган йил охирида Африка ва Осиёдаги баъзи мамлакатларга қилган сафарлари якунлари тўғрисида матбуот конференциясида сўзлаб берганлар. Улар таъкидлаб ўтганларки, Ганага қилинган сафар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг янада кенгайтирилишига хизмат қилди. Чехословакия Ганага аввало, пойафзал, газлама, атторлик буюмлари ва бошқа товарлар экспорт қилиб, бунинг эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олади.

Матбуот конференциясида Гвинея билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши таъкидланди. Иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида тузилган протокол бир неча миллион долларлик товар оборот ҳақидаги битимни ўз ичига олади.

Чехословакия савдо делегациясининг Эфиопиядаги музокаралари яхши натижалар берди.

Матбуот конференциясида қайд қилинди ки, Чехословакия билан Ироқ ўртасидаги савдо битими ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида 14 декабрда уч йил муддатга имзоланган битим шу кунларда кучга киради. Чехословакия Ироққа капитал ускуналарининг баъзи турларини етказиб беради. У пойафзал фабрикасини, қанд заводини, электростанцияларни, элеваторлар ва бошқа баъзи объектларни қуришда қатнашади. Чехословакия Ироқдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олади. Саноат корхоналарида тажриба ўрганиш учун Ироқдан бир неча мутахассис Чехословакияга келди.

БУНДЕСВЕР АТОМ БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРИЛМОҚДА

БОННН, 9 январь. (ТАСС). Бундесвернинг атом билан қуроллантирилиши кенг равишда амалга оширишга даврига кирди. Ўтган йил охирида бундесвер Американдан «Онест жон» типидаги ракеталарнинг биринчи қисмини олди. Бу ракеталар атом зарядини ҳам ортиб уча олади. Шу типдаги ракеталардан ташқари, АҚШ дан яна кучлироқ «Найк-аякс», «Найк-геркулес» ва «Матадор» ракеталари етказиб берилиши ҳам кутилмоқда. Ҳозирги вақтда ғарбий герман бундесверида солдатларни ракета-атом қуролининг шу турларидан фойдаланишга ўргатиш кенг авж олдирилди. Матбуотнинг таъкидлашича, бундесвердаги солдатларнинг ҳар 50 тасидан биттаси шунга ўргатилиши лозим. Шу вақтгача солдатлар Америка Қўшма Штатларининг ўзида ҳам, Ғарбий Германия территориясида ҳам Америка қўшинлари ҳузуридаги махсус курсларда ўргатилиб келган эди.

Германия Федератив Республикаси жамоатчилиги ғарбий герман солдатларининг ялпи қирғин қуроли бўлган Америка атом ракетаси қуролини ишлатишга ўргатила бошланишига қарши норозилик билдирмоқда.

Лотерея билети ютуқлари берила бошлади

Пойтахтимизнинг Островский кўчасидаги 11- уйда жойлашган республика «Посилторг» базаси кечадан бошлаб иккинчи пул-буюм лотереяси билетларига чиққан қимматбаҳо буюм ютуқларини билет эгаларига бера бошлади. Полкаларда қатор тизиб қўйилган телевизорлар, тикиш машиналари, «ЗИЛ» ва «Саратов» маркали холодильниклар, гиламлар, жун одеяллар ва шунингдек «Москвич» машиналари, мотоцикллар ва ҳоказолар ўз эгаларини кутиб турибди.

Биринчи бўлиб «Ташплодоовощч» ходими Ҳошимжон Ҳасанов билетини топширади. База ходимлари ва навбат кутиб турган кишилар уни «ТЭМП-3» телевизори ютгани билан табриклайдилар. Ўртасарой районидаги 21- мактабнинг ўқитувчиси Р. Пиримқулов, канап фабрикасининг цех бошлиғи З. Жолитков ўртоқлар катта гиламларнинг эгаси бўлдилар.

Шу куни жуда кўп кишига қимматбаҳо буюм ютуқлари берилди. Ютуқ буюмларини бериш давом этмоқда. Пул ютуқлари эса омонат кассаларида берилаётир.

Г. АЛЬМУҲАМЕДОВ.

Марказий лекторийда

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Тошкент шаҳар бўлими январь ойи учун мўлжалланган оммавий циклли лекцияларни системали равишда ўтказмоқда.

Шу кунгача Марказий лекторий биносида турли темаларда бир қанча лекциялар ўқилди. «Етти йилликда Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари», «Фан ва техника янгиликлари», «Ўзбекистон иқлими ўзгарадими», «Космик нурлар ҳақида», «Микроавтомобил» ва бошқа темалардаги қизиқарли лекциялар шулар жумласидандир. Бундан ташқари турли темалардаги савол-жавоб кечалари, якшанбаликлар ғоят мазмунли ўтди.

Навбатдаги лекцияларнинг тематикаси ҳам жуда хилма-хилдир. Булар орасида «Ўзбекистон олимлари пахта теруучи машина яратмоқдалар», «Бизнинг Галактика», «Янги дори-дармонлар», «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планнинг халқаро аҳамияти», «Рак касалининг дастлабки диагностикаси ва уни даволаш», «Фан ва дин», «Халқаро аҳвол», «Қаттиқ нур касали», «Ультратовуш ва уни қўлланиш» каби ва бошқа қизиқарли темалар бор. Лекцияларни ўқишга турли ихтисосдаги мутахассислар, фан кандидатлари, доцент, профессор, академик ҳамда Жамият аъзолари жалб қилинган.

Ҳар бир лекциядан сўнг тингловчилар учун турли илмий-оммабоп кинофильмлар кўрсатилади. Марказий лекторийда ўтказилаётган оммавий лекциялар ва савол-жавоб кечаларига пойтахтимиз меҳнаткашлари актив қатнашмоқдалар.

Н. НАСИМОВ.

„Бизнинг йўлбошчи“ деган темада кинофестиваль

Чирчиқ электрохимия комбинатининг Маданият саройида «Бизнинг йўлбошчи» деган темада КПСС XXI съездига бағишланган бадиий фильмлар кинофестивали ўтказилди. Фестиваль кунларида шаҳар меҳнаткашларига «Коммунист», «Павел Корчагин», «Биз бу ерда яшаймиз», «Екатерина Воронова» каби фильмлар кўрсатилди.

Киносеанслар бошланиши олдидан Коммунистик партиянинг етакчилик роли, СССР тараққиётининг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказилди. Саройда ана шу темада махсус виставка ҳам ташкил этилди.

Т. ЗУФАРОВ.

Суратда: республика халқ артисти Шаҳодат Раҳимова Ўзбекистон давлат филармониясининг халқ чалғу асбоблари оркестри жўрлигида Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашувчиларнинг концерти.

М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

— Туғилган куининг билан табриклайман, Хондамир! — дейди Феруза укасини қучиб.

И. Гильдин фотоэтюди.

Тошкентлик ёш ҳаваскор рассомларнинг асарлари Москва виставкасида

Москвада 17 ёшгача бўлган ҳаваскор рассомлар асарларининг Бутуниттифоқ бадиий виставкаси ташкил этилди. Бу виставкага тошкентлик ёш ҳаваскор рассомлар ҳам ўз асарлари билан қатнашганлар. Островский номидаги пионерлар саройи тўгарагида тарбияланган ҳаваскор болалар ижоди диққатга сазовордир. Исмат Пирмуҳамедов ёғочдан ишлаган қутича жуда гўзал ва нафис, у ранг-баранг гуллар билан безатилган.

Сталин номидаги Пионерлар саройининг ҳаваскор рассомлари ҳам ўзларининг акварель ва нақш асарлари билан виставкага қатнашганлар.

Виставка тамошабинлари қуёшли Ўзбекистон болалари ижоди намуналарини ҳам қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар.

В. ПОКРОВСКИЙ.

Телевизор экранида

11 ЯНВАРДА

12.00. Тошкент давлат циркидан Янги йил тамошалари олиб кўрсатилади.
19.00. Бадиий фильм — « Қўшниларимиз».
20.30. Сўнгги ахборот.
20.50. Киножурнал.
21.00. Концерт.

12 ЯНВАРДА

19.30. Катта ёшдаги ўқувчилар учун Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашувчиларнинг концерти.
20.10. Киножурнал.
20.20. Сўнгги ахборот.
20.40. «КПСС XXI съезди олдидан» деган адабий эшиттириш. Н. Виртанинг «Улар янги ҳаёт қурмоқдалар» деган асари асосида телепостановка.
21.00. Бадиий фильм — «Нариги томонда».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг мақсад ва вазифалари

Яна тўрт кундан кейин — 15 январда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати бошланади. Областимизда рўйхатни бошлаш учун деярлик ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Кўплаб ҳисоб участкалари, инструкторлик пунктлари ва рўйхат бўлимлари ташкил этилган. Бу муҳим кампанияни ўтказишга кўпгина актив жалб этилган, улар ҳисобчи бўлиб ишлайдилар.

Аҳоли рўйхати етти йиллик планда белгиланган улуғвор вазифаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Областимизда бирор киши ҳам рўйхат қилинмай қолмаслиги керак.

Биз қуйида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ҳақида материал босмоқдамиз.

Мамлакатимизда Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишнинг бошланишига саноқли кунлар қолди. Рўйхат якунлари совет халқининг доно Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлида эришаётган оламшумул-тарихий ютуқларини акс эттиради. Шу сабабли ҳам аҳолини рўйхатга олиш иши катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган тадбирдир.

Социалистик мамлакатларда экономиканинг ривожланиши, аҳоли моддий ва маънавий ҳаётининг ўсиб боришини аниқлашда ва халқ хўжалик планларини тузишда рўйхат материаллари муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмини белгилаш, транспорт ва капитал қурилишни қай даражада ривожлантириш, меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни аниқлаш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, маданий-оқартув ва соғлиқни сақлаш муассасаларини қай даражада кўпайтириш, уй-жой қурилишини планлаштириш, ўқув юртлари сонини қанчага кўпайтириш, жамиятнинг келгусидаги меҳнат резервларини аниқлаш ва ниҳоят халқ хўжалигининг турли соҳаларига мутахассис кадрлар тайёрлашни планлаштириш учун мамлакатда ишлаб, меҳнат қилаётган халқнинг аниқ рўйхатини олиш зарур. Аҳоли сони ва состави тўғрисида тўла ва аниқ маълумотга эга бўлмай туриб юқорида саналган масалаларни ҳар томонлама пухта планлаштириб бўлмайди. Мамлакатимизда аҳоли рўйхати сўнгги марта 1939 йил 17 декабрда ўтказилган эди.

Ҳозирги кунда 1939 йилги аҳоли рўйхати материаллари жуда эскириб қолди. Шундан бери ўтган қариб 20 йил ичида Совет Иттифоқи ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Каҳрамон совет халқи немис-фашист босқинчиларини янчиб ташлади, душман томонидан етказилган зарарлар батамом тугатилди. Халқимиз доно Коммунистик партия раҳбарлигида ўз Ватанининг иқтисодий қудратини ошириб, зўр ғайрат билан коммунистик жамият қурмоқда.

Кейинги 20 йил ичида СССРда янги навқирон авлод етишиб чиқди. Бу, аҳоли состави ўзгарди демакдир. Халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсиши натижасида аҳоли сони тез суръатлар билан кўпаймоқда, ўлим эса борган сари камаймоқда. 1957 йили мамлакатимизда ҳар минутда ўнга яқин бола туғилган, уч киши ўлган. Демак, Совет Иттифоқи аҳолиси ҳар минутда 7 кишига ёки суткасига 10 минг кишига кўпаяди. Ҳар куни қариб 13 минг 800 эркак ва аёл оила қуради.

Урушдан кейинги даврда мамлакатимиз экономикаси, маданияти ва соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган катта ютуқлар туфайли аҳолининг сони ва составида ҳамда унинг территория бўйича жойланишида катта ўзгаришлар рўй берди. 1939-1957 йиллар мобайнида Ватанимизда 417 та янги шаҳар, 1188 та шаҳар типидаги поселка барпо этилди. Шаҳар аҳолисининг сони ва салмоғи анча ошди. 1940 йилда мамлакатимизда шаҳар аҳолиси 60,6 миллион кишини ташкил этган бўлса, 1956 йил апрель ойида 87 миллионга етган эди. Халқ хўжалиги тармоқларида шуғулланувчи аҳоли сони, ўрта ва юқори маълумотли мутахассис кадрлар анча кўпайди. Ана шу катта ўзгаришларнинг ҳаммаси янги аҳоли рўйхатини ўтказиш зарур бўлиб қолганини кўрсатади.

Бу йил ўтказиладиган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 20 йил ичида аҳоли сони ва составида бўлган ўзгаришларни ўзида акс эттиради, халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планларини тузиш учун янги, аниқ ва тўла маълумотларни беради.

Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш шу йил 15 январда бошланиб, 22 январгача давом этади. Рўйхат бошланиш арафасида, яъни 11-15 январь кунларида ҳисобчилар инструктор-контролёрлар билан биргаликда ўз участкаларидаги турар-жойлар билан танишиб, жойларнинг чегараларини аниқлаб оладилар. Аҳолини 15 январда рўйхатга олиш бошланиши тўғрисида огоҳлантирадилар ҳамда уларни рўйхат ўтказиш тартиби билан таништирадилар. 15 дан 22 январгача бўлган 8 кун ичида ҳар бир ҳисобчи турар-жойларни айланиб, катта ёшдаги ҳар бир граждан билан шахсан учрашади. Аҳоли ҳисоби ва рўйхат варақасидаги саволларга жавоб олиш 1959 йил 14 январдан 15 январга ўтар кечаси маҳаллий вақт билан соат 12 да деб белгиланган. Рўйхатнинг қайси кунида ҳисобчи аҳоли билан учрашганидан қатъий назар, 14 январдан 15 январга ўтар кечаси ушбу турар-жойда ҳозир бўлган ҳамма шахслар рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ҳар бир граждан рўйхат варақасидаги саволларга тўғри ва тўла жавоб бериши керак. Ҳисобчи ҳар бир гражданнинг сўзига қараб рўйхат варақасини тўлдиради. Гражданлардан олинган жавобларнинг тўғри эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Рўйхат ўтказишда қатнашаётган ходимлар рўйхат варақасидаги маълумотларни ҳеч кимга (милиция органлари, молия органлари ва бошқа ташкилотларга) билдириш ёки кўрсатишга ҳақлари йўқ. Бу нарса қатъий ман этилади. Рўйхат ўтказилаётган пайтда мазкур жойда ҳақиқатда 14 январдан 15 январга ўтар кечаси яшаган шахслар, уларнинг уй дафтарида ҳисобда туришлари ёки турмасликларидан қатъий назар, рўйхатга олиниши лозим. Рўйхатга турар-жой билан таъминлаш асосларидан бири деб қараб, яшаб турувчилар сонини кўпайтириб юбориш мақсадга мувофиқ эмасдир. Чунки рўйхат материаллари у ёки бу оилани уй-жой билан таъминлаш учун хизмат қилмасдан, балки янги-янги уй-жой бинолари қурилишини планлаштириш ишига ёрдам беради.

Аҳолини рўйхатга олиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим умумхалқ ишидир. Бу ишда партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари актив иштирок этишлари лозим. Ленин айтганидек, рўйхат иши айрим идоранинг иши бўлмасдан, балки Республика иши, барча совет муассасаларининг ишидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совет Иттифоқидаги барча ишчиларга, колхозчиларга, совет зиёлиларига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчиларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, ҳамма гражданларга!» деб чиқарган Мурожаатида ҳам Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш иши катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканлиги уқтирилган. Мурожаатда айтилишича, барча гражданлар рўйхатдан ўз вақтида ўтишлари, рўйхатнинг ўтишига уюшқоқлик билан ёрдам беришлари зарур. Токи, аҳоли яшайдиган бирорта ҳам пункт, бирорта ҳам турар-жой рўйхат қилинмай қолмасин.

Н. СОАТОВ,
Тошкент Молия-иқтисод институтининг аспиранти.

Тошкентнинг тамоша заллари

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Ҳуррият** (10/I га сотиб олинган билетлар 13/I га ярайди).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11 ва 12/I да янги спектакль **Майсаранинг иши** (опера).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 17/I кеч соат 8 яримда **Хоразм музика, ашула ва рақс ансамблининг концерти.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Тисса устида**, 3-залда кеч соат 10-05 минутда **Катта ҳаёт** (1 ва 2-серия).

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Саҳродаги воқеа**, кундуз 2 да **Наурис**, кундуз 4 дан **Охирги остановкада.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Тисса устида.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
11 январда
тўрт марта
КАТТА БАЙРАМ
тамошалари

«Ажойиб тушлар кечаси» аттракциони, артист **Н. Янушевскаянинг** ўргатилган тўтилари, артист **Бистрованинг** ўргатилган кучукчалари ва бошқалар қатнашади.

Тамошалар кундуз соат 12, 3, кеч 5 ва 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

11/I соат 1 га сотиб олинган билетлар соат 3 га ярайди, соат 4 га сотиб олинган билетлар соат 5 га ярайди.

Ўзбекистон театр жамияти ва Ўзбек давлат эстрадаси
12 январь кеч соат 8 да, Эстрада театри биносида
бадиий сўз устаси
МУҲСИН ҲАМИДОВНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР.
Кечага таклиф билетлари билан кирилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
11 январда
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
КАТТА КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Фотима Борухова, Гулом Абдураҳмонов**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Клара Жалилова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Аюб Қодиров, Ҳамро Абдуллаев**, солистлардан **Дилором Шерова, Холисхон Қодирова, Латофат Аҳмедова, Тўхта Иўлдошева, Қумри Қодирова, Тоштемир Шарипов, Акбар Мўминов, Рихси Баширов, Баёз Усмонқулов, Болта Шарипов, Фахриддин Дўстмуҳамедов, Сайфиддин Иўлдошев, Умар Ҳамидов, Мурабби Қосимов, Қаюм Азимовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — **Ежи Стефан Ставиньский.**

Режиссёр — **Анжей Вайда.**

Оператор — **Ежи Липман.**

Бош ролларда: **Венчислав Глинский, Эмиль Каревич, Тадеуш Янчар, Владислав Шейбал, Тереса Ижевская, Тереса Березовская, Тадеуш Гвяздовский, Станислав Микульскийлар** қатнашади.

Фильмни Польшанинг Лодзидаги бадиий фильмлар студияси 1956 йилда ишлаган, М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри — **В. Войтецкий**, овоз оператори — **М. Шмелев.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими— 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29046. Эълонлар бўлими — 28142.

01020. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1509.